

ВАТАН УЧУН, МИЛЛАТ УЧУН, ХАЛҚ УЧУН!

2020 йил 25 январдан чиқа бошлаган

ЯНГИ

Ижтимоий-сиёсий газета

Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари

ЎЗБЕКИСТОН

№ 152 (1478), 2025 йил 26 июль, шанба



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



КАСБИЙ ТАЪЛИМ БЎЙИЧА МАЛАКАЛИ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ БАНДЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ ОМИЛИ

Президент Шавкат Мирзиёев аҳоли бандлигини таъминлаш ва касбий таълим тизимидаги янги ёндашувларга оид тақдимот билан танишди.

Жорий йилда бу соҳада хорижий тажриба асосида янги ёндашувлар йўлга қўйилди. Банклар маҳаллаларга боғланиб, аҳоли бандлигини таъминлашга ҳам ҳисса қўшмоқда. Хусусан, биринчи ярим йилликда 3 миллиондан зиёд аҳоли даромадли меҳнатга жалб қилинди.

Камбағалликни қисқартириш борасида яратилган тизим ҳамда сарфланаётган маблағлар ўз самарасини бериб, жорий йилнинг 1 июль ҳолатига кўра, камбағаллик даражаси 6,8 фоизни ташкил қилди.

Аҳоли бандлигини оширишда касбий таълим сифати жуда муҳим. Бу борада иш берувчилар билан ҳамкорликни кенгайтириш, малака оширишнинг янги даражага кўтариш ҳамда хусусий сектор иштирокини таъминлаш талаб этилмоқда. Касбий таълимнинг меҳнат бозори эҳтиёжларига мос келмаслиги кадрлар тайёрлашда муайян муаммоларга сабаб бўлмоқда.

Меҳнат муносабатларидаги айрим меъёрлар тадбиркорлик субъектлари, айниқса, кичик корхоналар учун мураккаблик туғдирмоқда. Ишга қабул қилишда ахборот технологиялари имкониятларидан тўлиқ фойдаланилмайпти.

Шунингдек, амалдаги талаблар иш берувчиларни ҳақиқий вакансияларни очик эълон қилишга рағбатлантирмайди. Оқибатда бу маълумотларни яширишга олиб келиб, меҳнат бозорини тўғри таҳлил қилиш ҳамда касбий таълим йўналишларини аниқлаш имконини чекламоқда.

Тақдиротда маъмур муаммоларни ҳал этишга қаратилган янги режа ва ташаббуслар ҳақида маълумот берилди.

Унга мувофиқ, меҳнат органлари иш берувчиларга нисбатан жазо қўловчи эмас, балки ҳамкор сифатида фаолият юритувчи, уларга хизмат кўрсатувчи тузилмага айланиши кўзда тутилмоқда.

Хусусан, иш берувчилар томонидан бўш иш ўринлари тўғрисидаги мажбурий маълумотларни тақдим этмаслик ва жўнатилган номзодларни ишга олмаслик учун жазо чораларини бекор қилиш тақлиф этилмоқда. Бу орқали бандлик органлари иш берувчилардан тўғри ва ҳаққоний маълумотларни тўплаб, уларга иш излаётган фуқароларни йўналтиради. Иш берувчи эса номзодни қабул қилиш ёки қилмаслигини ўзи ҳал этади.

Ушбу тизимни жорий этиш учун махсус электрон платформа яратилиб, дастлаб Тошкент шаҳрида тажриба тариқасида бошланади ва кейинчалик бутун мамлакат бўйича татбиқ этилади.

Шу билан бирга, мутахассис топиш мураккаб бўлган вакансиялар касбий таълимнинг асосий йўналишларига айлантирилиб, тайёргарлик жараёнларини мақсадли ташкил этишга хизмат қилади.

Касбий таълим сифатини янада ошириш мақсадида хусусий сектор вакилларини Касбий кўникмалар марказлари фаолиятига жалб этиш, айрим марказларни эса аниқ соҳалар бўйича ихтисослаштирилган таълим масканларига айлантириш режалаштирилган.

Мутасаддиларга касбий таълимни уч босқичли тизимга ўтказиш вазифаси қўйилди. Жумладан, интернет орқали бепул видеодарсларни жорий этиш, ишловчи фуқароларга қайта тайёргарлик ёки малака ошириш учун “касб ваучери” орқали имконият яратиш юзасидан кўрсатмалар берилди.

Давлатимиз раҳбари малакали кадрлар тайёрлаш республикада ишчилик ва камбағалликни қисқартиришга хизмат қиладиган энг муҳим омиллардан бири эканини таъкидлади.

ЎЗА

БОШ МАҚСАД — МИЛЛИЙ ЎЗЛИГИМИЗНИ АНГЛАШ ВА ТАРҒИБ ЭТИШ



Ўтган ҳар бир соғина — тарих. Бу тарихнинг қандай ёзилиши эса жамият, инсонлар ҳамда давлат бошқаруви тизими қай даражада оқилона ва адолатли эканига боғлиқ. Янги Ўзбекистон даврининг ўтган тўққиз йили халқимиз ҳаётида унутилмас воқеалар, юксак натижалар билан ёдда қолди. Бошқача айтганда, ўзбек давлатчилиги буюк ўзгаришлар ва самарали ислохотлар билан бойиган, инсон қадрини энг олий қадриятга айланган, миллий маънавият ва маданий меросга муносабат юксак босқичга кўтарилган давр сифатида тарих зарварақларидан жой олмоқда.

Бугун юртимизнинг бой тарихини чуқур ўрганиш, бу йўналишда илмий тадқиқот фаолиятини жадаллаштириш, ёш авлоднинг миллий қадриятлар ва аждодларимизнинг бебаҳо мероси руҳида тарбиялаш, жамиятда ватанпарварлик руҳини мустаҳкамлаш янги Ўзбекистон

стратегиясининг устувор йўналишларидан бирига айлانган.

Миллий тарих, маданият ва маънавиятга чуқур ҳурмат, уларни асраб-авайлаш ва янада бойитиш, шу билан бирга, ёш авлоднинг умуминсоний ва миллий қадриятлар

руҳида тарбиялаш тараққиётга интилаётган ҳар қандай жамият учун ҳал қилувчи омилдир. Ана шу ҳақиқат янги Ўзбекистон даврида барча соҳаларда намоён бўлмоқда.

Кейинги йилларда юртимизда тарихни ҳолис ва ҳаққоний ўрганиш, очилмаган саҳифаларни тадқиқ этиш борасида кенг имкониятлар яратилди. Хусусан, 2017-2021 йиллар давомида Ислом цивилизацияси маркази, Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридий, Абу Муин Насафий каби халқаро илмий-тадқиқот марказлари ташкил этилиши миллий маънавият ва маърифатимиз юксак қадрланганининг ёрқин ифодасидир.

► Давоми 3-бетда

ҲАМЖИҲАТЛИК, ТОТУВЛИК ВА БАҒРИКЕНГЛИК БИЛАН ЮРТ ОБОД БЎЛАДИ



30 июль — Халқлар дўстлиги куни

Тожиқлар ўзбекчада, ўзбеклар тожиқчада ўз она тилидек гаплашадиган қишлоқда туғилиб ўсганман. Кейин тақдир тақозоси билан меҳнат фаолиятим ҳам шу икки миллат бир эл бўлиб яшайдиган ҳудудда бошланди.

Аслида, юртимизда икки миллат вакиллари аралаш яшайдиган қишлоқ ва маҳаллалар кўп. Бундай жойларда яшайдиган ўзбек ва тожиқ халқларининг қиёфаси, хатти-ҳаракатлари, кийиниши ёки удулларига қараб бир-бирдан ажратиш қийин. Тўғриси, ташқаридан келган одам уларнинг фарқига бормайди. Негаки кўп миллатли халқимиз ҳам бир-бирини

ажратиб кўрсатмайди. Аксинча, қуда-анда, қавм-қариндош бўлган. Тўй-маъракаси бирга, кўкламда Наврўзни бирга нишонлайди, чавандозлари бир даврада кўпқари чопади. Шу боис уларни икки тилда сўзлашадиган битта халқ дейишади.

► Давоми 2-бетда



Тадбиркорлар билан очик мулоқот олдида

ҚОҒОЗБОЗЛИКДАН ҚУТУЛГАН ИШБИЛАРМОН

ВАҚТИНИ БИЗНЕСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ЙЎНАЛТИРЯПТИ



Ҳозир тадбиркорликка қадам қўётган ёшларнинг кўпи бир вақтлар бу соҳа эгалари аксар давлат идораларининг тайёр “ўлжаси” бўлгани, ишни бошлагани ҳамон боши текширувлардан чиқмагани, ҳаддан ошган солиқ тўловлари унча-бунча ишбилармоннинг ишини орқага тортганини билмайди. Буларни билмагани, тасаввур қилмагани ҳам яхши. Чунки бугун тадбиркор давлатнинг дўсти, ҳимоясидаги соҳа эгаси сифатида ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётган экан, одамлар ҳеч иккиланмай иш бошлаб, бизнес эгасига айланмоқда.

Сўнгги йилларда юртимизда яратилган қулай ва эркин ишбилармонлик муҳитида кўзланган мақсад ҳам шу аслида. Айниқса, тадбиркорлар фаолиятида учрайдиган ортиқча овозгарчиликлар, ҳисобот юки ва тўсиқларни камайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу ўзгаришлар уларнинг вақт ва маблағини тежаш, фаолият самарадорлигини ошириш билан бирга статистик ҳисоботлар тўлиқ, тўғри ва ўз вақтида тақдим этилишига ҳам ижобий таъсир кўрсатыпти.

Яъни тадбиркорлар фаолияти қанча эркин бўлса, шаффофлик ва ошқоралик шунча ортади. Ортиқча тазйиқ ва керак-

сиз овозгарчиликлар бўлмаган жойда бизнес эгаси ҳам тўғри ишлайди, ҳисоботларни ҳалол юритиб, солиқларни ўз вақтида тўлайди. Ҳисоботлар деб айтаётганимиз тадбиркорнинг фаолиятини аввалгидек текшириш, ишга аралашши мақсадида талаб қилинадиган “қоғозлар” эмас. Гап мамлакатдаги ижтимоий-иқтисодий жараёнларни тизимли таҳлил қилиш, реал вазиятни баҳолаш ва асосли қарорлар қабул қилишда муҳим ахборот манбаи бўлган статистик ҳисоботлар ҳақида борапти.

► Давоми 4-бетда

Сўнгги йилларда мамлакатимизда “Инсон қадрини учун” гояси асосида амалга оширилган ислохотлар туфайли барча жабҳада, жумладан, соғлиқни сақлаш тизимида ҳам хайрли ўзгаришлар кузатилмоқда. Бу давлатимиз раҳбарининг Президентлик фаолиятининг илк кунларидан инсоннинг ҳаёт сифатига бевосита дахлдор бўлган соғлиқни сақлаш соҳаси ривожига катта эътибор қаратгани самарасидир.

ҲАЁТ СИФАТИГА ДАХЛДОР СОҶА

**ЁКИНИДАН БАҲРАМАНДЛИК
ХУСУСИДА МУЛОҲАЗА**



Инсон қадрини

Президентимиз 2017 йилнинг 5 январида соҳа мутахассислари билан учрашиб, тизимни такомиллаштириш, муаммо ва камчиликларни бартараф этиш бўйича кўрсатмалар берган эди. Шундан сўнг тиббиётни халққа яқинлаштириш, элни рози қилиш, халқимизга сифатли тиббий хизмат кўрсатиш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, саломатлигини асраш ва мустаҳкамлаш, умр давомийлигини ошириш кун тартибидagi масалага айланди. Соҳада катта трансформация жараёнлари

бошланди. Тизимли ишлар энг чекка ва олис ҳудудларга ҳам етиб борди. Пировардида бугун юртимизнинг қайси манзилини олмайлик, одамлар турмуш шароити, ижтимоий-иқтисодий ҳаёти аста-секин ўзгариб бораётганига гувоҳ бўляпмиз. Халқимизнинг тиббий маданияти ҳам юксалиб, замонавий тиббиётдаги илғор ютуқлардан баҳраманд бўлиш, саломатлигини яхшилашни истамоқда.

► Давоми 5-бетда

Ватан учун, миллат учун, халқ учун

БОШ МАҚСАД — МИЛЛИЙ
ЎЗЛИГИМИЗНИ АНГЛАШ ВА ТАРҒИБ ЭТИШШухрат ҲАЙИТОВ,
филология фанлари доктори

Бошланиши 1-бетда

Бугун мазкур марказларда бажарилаётган фундаментал тадқиқотлар нафақат юртимизда, балки халқаро доирада ҳам катта қизиқиш уйғотмоқда. Бу марказлар дунёнинг юздан ортқ давлати ва нуфузли илмий муассасаси билан ҳамкорликни йўлга қўйган.

Бундай самарали алоқалар туфайли юртимизга тегишли, бир пайтлар турли сабабларга кўра хорижга олиб кетилган минглаб тарихий меросимиз ўз ватанига қайтарилмоқда. Жаҳоннинг нуфузли музейлари ва фондлари билан ҳамкорлик йўлга қўйилиб, уларда Ўзбекистоннинг бой маданий мероси кенг намойиш этилаётди.

2022 йилда Франциянинг машҳур Лувр музейида ўтказилган миллий мерос кўргазмаси бунинг яққол исботидир. Беш ой мобайнида давом этган мазкур кўргазма 260 мингдан зиёд томошабинни жалб қилди. Кўргазмада юртимиз музейларида сақланган 138 та қимматли экспонат намойиш этилди. Улар орасида қулоллик, ёғоч, металл, деворий санъат ва қўғоғга оид 70 дан ортқ нодир буюм реставрация қилиниб, илк бор халқаро майдонга олиб чиқилди.



Янги Ўзбекистон тарихи ислохотлар ва ютуқлар тарихи бўлиб, унинг ажралмас бир қисми миллий ўзликини англаш, миллий мерос ва маънавиятни юксалтиришга қаратилган улкан ишлардир. Миллат тарихи ва маданиятига чуккур ҳурмат фақат илмий тадқиқот эмас, балки янги авлод онгини шакллантириш, келажак тараққиётига қўйилган мустаҳкам пойдевор ҳисобланади.

Шу боли, бугунги кунда тарихга эътибор келажакка инвестиция сифатида қаралмоқда. Янги Ўзбекистонда тарихий хотира, миллий мерос ва маънавий қадриятлар давлат сиёсати даражасида эътиборланмоқда. Бу эса, шубҳасиз, миллий руҳни мустаҳкамлабди, халқнинг ўзлиги ва қадр-қимматини янада юксалтириб, янги тараққиёт босқичига йўл очди.

Мустанқилик монументи, Ғалаба боғи, Адиллар хибони каби маънавий масканларда шоир ва ёзувчиларимизнинг ҳайкал ва бюстлари ўрнатилиб, уларнинг хотирасига муносиб ҳурмат кўрсатилди. Бу масканлар халқимиз, айниқса, ёшлар учун маънавий-маърифий тадбирлар ўтказиладиган мазмунли маконга айланди.

2019 йил 15 октябрь кунни Озарбайжондаги Туркий тили давлатлар ҳамкорлик кенгаши саммитида Президентимиз “Туркий адабиёт дурдоналари” номли 100 жилдли тўпламини ҳар бир мамлакатнинг она тилида нашр этиш гоясини илгари сурган эди. Ушбу ташаббус асосида илк бор Ўзбекистонда мазкур тўпلام нашр этилиб ва туркий дунё кутубхоналаридан муносиб ўрин эгаллади. Бу орқали туркий халқлар адабиётининг маънавий мероси янада яқинлашди, қалблар ва халқлар ўртасида кўприклар барпо этилди.

Ватанимизнинг уч минг йилликдан зиёд тарихини чуқур ва холис ўрганиш, уни халқимиз ва жаҳон жамоатчилигига кенг тарғиб этиш мақсадида ҳам қатор ишлар қилинди. Президентимиз қарори билан 2019 йил 1 сентябрдан фаолиятини бошлаган “Ўзбекистон тарихи” телеканали бу борада муҳим вазифани бажариб келмоқда. Бугун у кўп-ла мамлакатларда томошабинлар қалбидан ўрин олган телевидение платформасига айланимолар.

Шу билан бирга, кино санъати орқали тарих ва маърифатни тарғиб этишга ҳам жиддий эътибор қаратилди. “Халқ юраги” туркуми остида 24 та ҳужжатли фильм яратилди. Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Абдулла Авлоний, Абдулла Қаҳҳор, Зулфия, Муҳаммад Юсуф каби буюк адибларимиз ҳаёти ва ижоди ҳақидаги ушбу фильмлар халқимиз қалбидан чуқур жой олди.

2024 йил 16 май кунни давлатимиз раҳбарининг Киночилар уйига ташрифи, кино соҳаси вакиллари билан учрашуви, Ўзбекистон кино санъати музейини кўздан кечириши кинематографиядаги яна бир муҳим босқични бошлаб берди. Унда 2024–2027 йилларга мўлжалланган “Тирик тарих” стратегик дастури тақдим қилинди. Бу лойиҳа ватанимизнинг энг қадимги тарихидан то яқин ўтмишгача бўлган даврни ўз ичига олган, миллий гуруҳни ошириш, тарихни холис акс эттириши мақсад қилган йирик медиаойиҳадир.

Президентимизнинг 2024 йил 5 июндаги “Кинематография соҳасини янада ривожлантириш ҳамда мамлакатимиз тарихига бағишланган фильмлар туркумини яратишга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ушбу лойиҳага қонуний ва молиявий пойдевор бўлди. Бу қарор орқали кинематография янги босқичга кўтарилди, миллий давлатчилигимиз ва тарихий шахсларимиз ҳаётини экран орқали кенг намойён этиш имкони яратилди.

“Тирик тарих” дастури доирасида кўп-лаб бадий ва бадий-публицистик фильмлар ишланмоқда. Улар орасида “Баҳодир Ялангтўш”, “Ажиниёз”, “Махтумқули Фироғий” каби фильмлар халқаро кинофестивалларда юқори баҳолаб сазовор бўлди. Шу йил охирига қадар буюк саркарда Амир Темурга бағишланган “Улуғ Амир ва Донна Мария” бадий фильми ҳамда Иккинчи жаҳон уруши қаҳрамони Мамадали Топволдиев ҳақидаги фильм томошабинлар эътиборига ҳавола этилиши режалаштирилган.

Бир сўз билан айтганда, янги Ўзбекистон даврида адабиёт, тарих ва кино соҳаларидаги кенг қамровли ислохотлар миллий маънавиятни юксалтириш, халқнинг ўзлигини англаш, тарихий хот

Тадбиркорлар билан очик мулоқот олдида

ҚОҒОЗБОЗЛИКДАН ҚУТУЛГАН ИШБИЛАРМОН

ВАҚТИНИ БИЗНЕСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ЙЎНАЛТИРЯПТИ



Ҳаммаси электрон

— Тадбиркорлардан олинadиган ана шундай ҳисоботлар орқали бизнес муҳитидаги ўзгаришлар, фаолиятининг кўлами ва самарадорлиги ҳақида аниқ ҳулоса чиқариш имкони пайдо бўлади, — дейди Миллий статистика қўмитаси матбуот хизмати раҳбари Усмон Абдурасулов. — Бундай ҳисоботлар сифатли ва ўз вақтида тақдим этилиши нафақат статистика органлари, балки давлат бошқаруви тизими учун ҳам муҳим аҳамиятга эга. Тадбиркорлик субъектлари ўз фаолиятига доир статистик ҳисоботларни белгиланган шакл ва муддатларда тақдим этиши “Расмий статистика тўғрисида”ги қонун ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга асосланади. Бугунги кунда тадбиркорлар ойлик, чораклик ва йиллик ҳисобот топширади. Ҳар бир ҳисоботда уларнинг фаолият тури, ходимлар сони, товар айланмаси, молиявий кўрсаткичлари ҳамда бошқа муҳим маълумотлар қамраб олинади.

Аммо бу жараёнлар йилдан йилга соддалаштириб бориляпти. Давлатимиз раҳбарининг ҳар йили август ойида анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган тадбиркорлар билан очик мулоқотларида бу йўналишда ҳам кўплаб таклифлар бидирилишига гувоҳ бўламиз. Ана шу таклифлар асосида аниқ чоралар кўрилиб, ҳисоботларни топшириш билан боғлиқ янгиланишлар амалиётга жорий этиб келинмоқда.

— Тадбиркорлар учун статистик ҳисоботларни топшириш жараёналарини соддалаштириш бўйича қатор энгилликлар яратилмоқда, — дейди Миллий статистика қўмитаси бошқарма бошлиғи Мазмур Сатимов. — Жумладан, Президентимизнинг 2025 йил 24 февралдаги фармонида асосан, ходимлари 5 нафардан кам ва айланмаси БҲМнинг 2000 бараваригача бўлган кичик тадбиркорлик субъектлари ҳисоботларини энди ҳар йили эмас, балки 3 йилда бир мартаба тақдим этиши белгиланди. Миллий статистика қўмитаси томонидан ҳам бу борада бир қанча қулайликлар яратилган. Масалан, ҳисобот даврида респондентларга амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида тизимли равишда онлайн мулоқотлар ташкил этиб келинмоқда. Уларни қийнатган саволларга жавоб бериш учун call-марказ ишляпти. Ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларга барча жараёнларни ўзидан ақс эттирган видеоқўлланмалар joyлаштирилган. Бу каби имкониятлар ҳисобот юқини камайитириш, маълумотларни аниқ ва ўз вақтида тақдим этишга хизмат қилмоқда.

Бу амалиёт ҳалқаро майдонда ҳам мавжуд. Яъни жаҳоннинг ривожланган мамлакатлари, жумладан, АҚШ, Канада ҳамда Европа Иттифоқига аъзо давлатларда тадбиркорлик субъектлари статистика органларига ҳисобот топшириши қатъий белгиланган. Ушбу тизим реал иқтисодий ҳолатни кузатиш, аниқ статистикани шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади. Бу маълумотлар жаҳон майдонидан бирор давлат ҳақидаги умумий тушунча шаклланишига ҳам хизмат қилади. Ўзбекистон бу борада бошқа мамлакатларга нисбатан жадал ривожланётганини кузатиш мумкин.

— Бугунги кунда расмий статистика нафақат мамлакат ичида, балки халқаро миқёсда ҳам асосий маълумот манбаи сифатида эътироф этилмоқда, — дейди Миллий статистика қўмитаси бошқарма бошлиғи Улўғбек Ноплов. — Тадбиркорлик субъектларидан ҳисоботлар ва кузатувлар орқали олинadиган маълумотлар мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожини, иқтисодиётдаги тенденциялар ҳамда бозордаги ўзгаришлар динамикасини аниқ баҳолашда муҳим ўрин тутadi. Халқаро амалиётда ушбу маълумотлар хорижий сармоядорлар учун инвестиция қарорларини қабул қилишда асосий манбадир. Шу билан бирга, ушбу кўрсаткичлар мамлакатнинг халқаро рейтинглардаги ўрнини белгилашда ҳам катта роль ўйнайди.



Ислохотлар самараси

Қорақалпоғистонлик ёш тадбиркор, “Биогумус” фермер хўжалиғи раҳбари Шерзод Ниёзимбетовни нафақат Нукусда, балки бутун Ўзбекистонда яхши танишади. У 2018 йилдан бери органик помидор етиштириб, қуёшда қурийтиб, қадоқлаб, Италия, Франция, Исроилга экспорт қилиб келмоқда. Икки юзга яқин иш ўрни яратган бу қорхона 2022 йилда Инновацион ривожланиш вазирлиғи томонидан “Йилнинг энг яхши start-up лойиҳаси” номинациясига сазовор бўлган эди.

“Биогумус” фермер хўжалиғи “Қуёшда қуритилган экологик тоза органик помидорлар тайёрлаш ва экспортини кенгайтириш” лойиҳасини муваффақиятли амалга ошириб келмоқда. Лойиҳа учун 320 миллион сўм йўналтирилган бўлиб, 2022 йилда ишлаб чиқаришни кенгайтириш мақсадида 5,7 миллиард сўм инвестиция жалб қилинди. Натижада 300 тонна сингидмаги замонавий музлаткичли омборхона ва қадоқлаш ускуналари ўрнатилди.

Аслида, Нукус тумани Нукус шаҳри аҳолисини мева-сабзавот билан таъминлаш мақсадида ташкил этилган. Бугун тумanning боғбон ва деҳқонлари бу вазифани уддалаб, етиштирган маҳсулотларини хорижга ҳам экспорт қилмоқда.

Тумандаги “Qudekov Jadiger” масъулияти чекланган жамияти қовун ва тарвуз етиштириш бўйича илғор хўжаликлардан бири. Бу йил хўжалик 10 гектар майдонда қовун ва тарвуз етиштириб, юқори ҳосилдорликка эришди. Туман фермерлари бозорга биринчилардан бўлиб маҳсулот чиқарди. Уларнинг

меҳнати натижасида ҳосилнинг 100 тоннаси Қозғистонга экспорт қилинди. Бу нафақат хўжаликнинг, балки бутун Қорақалпоғистоннинг иқтисодий ривожига қўшган ҳиссасидир. Аини пайтда далаларда ҳосил йиғими қизғин давом этмоқда. Бу хўжалик фақат қовун ва тарвуз билан чекланиб қолмаган. 13 гектарда олма ва нок, 7 гектарда узум парваришланмоқда. Бу мевалар ҳам ҳар йили Қозғистон ва Россияга экспорт қилинади. Бу уларнинг маҳсулотлари сифатли ва халқаро бозорда рақобатбардosh эканини кўрсатади.

Тумандаги Тақирқўл қишлоғида joyлашган “Диана Мардана” фермер хўжалиғи 2005 йилда Омонгул Алламбергенова томонидан ташкил этилган. Маскув хўжаликнинг 10 гектари боғ қилинган, бугдой ва полиз экинлари етиштирилади. Пиллакорларга қўмаклашиш мақсадида 3 гектар тузтор ташкил этилган. Қовун эса Қозғистонга экспорт қилинади. Хўжалиқда 15 киши доимий, яна 10-15 киши маъсумий иш билан таъминланган.

Нукус туманидаги Дон ва шoли илмий ишлаб чиқариш бирлашмасининг далаларида

шoлини томчилатиб сугориш бўйича инновацион лойиҳа амалга оширилмоқда. Лойиҳа доирасида 5 гектар майдонда шoлини томчилатиш сугориш Исроил ва Германиянинг илғор технологиялари асосида тажриба сифатида синовдан ўтказилмоқда.

Лойиҳа натижасида сув тежовчи технологиялар асосида шoли етиштириш бўйича ишланмалар тайёрланиб, келгусида тажриба майдони кенгайтирилади. Лойиҳа Қорақалпоғистонда шoли етиштиришда янги технологиялар жорий этилиб, сувдан оқилона фойдаланишга хизмат қилади.

“Даладан — дастурхонга” тамойили амалда

Омонбой Ражабов агротехник тадбирларини изчиллик ила сифатли бажариб келаятган тажрибали деҳқонлардан. Айниқса, чила киргач, агротехник ишлар ўз вақтида сифатли бажарилмаса, қўзланган мақсадга эришиш қийин. Шунинг учун тажрибали деҳқон ҳа-



рорат жуда юқори бўлган кезларда ҳам дала юмушларини орта суриб, “қуннинг тафти пасайсин”, деймайди. — 2024 йили қишлоқ хўжалигининг барча йўналишлари бўйича муваффақиятли яқунладик. Фермер хўжалигимизга тегишли

ер 26 нафар ижарачи-деҳқонга бўлиб берилган, — дейди Амурдёр туманининг “Хизр эли” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги “Ражабов Омонбой” фермер хўжалиғи раҳбари Омонбой Ражабов. — Жорий йил эрта баҳорда 40 гектарга “Султон” навли тезпишар

Сунъий интелект маспаҳат беради

Рақамлаштиришнинг қулайликларидан яна бири, яратилган ахборот тизими доимий янгиланиб, қўшимча хизматлар билан бойитиб борилаверади. Гап шундаки, бугунги замонавий технологияларнинг талаби шу — электрон вазифаларни доимий янгиллаб бориш керак. Қолаверса, ҳозир сунъий интелект технологиялари ҳар соҳага кириб бориб, ахборотлаштириш жараёналарида фаол қўлланиляпти.

Ҳисоботларни электрон юритиш жараёналари ҳам бундан холи эмас. Давлатимиз раҳбарининг тегишли фармонида кўра, ҳисобот жараёналарида юзга келиши мумкин бўлган қийинчилик ва муаммоларнинг олдини олиш мақсадида “Маслаҳатчи” интерактив хизмати йўлга қўйилади.


— Бу хизмат тадбиркорлик субъектларида статистик ҳисоботларни шакллантириш, топшириш тартиби ва талаблари бўйича автоматик тавсиялар бериш имконини яратади, — дейди Миллий статистика қўмитаси матбуот хизмати раҳбари Усмон Абдурасулов. — Тизимда сунъий интелект имкониятларидан фойдаланилган ҳолда “Маслаҳатчи” модули жорий этилмоқда. Ушбу модуль ҳисобот топширишдаги мавжуд мураккабликларни энгиллаштиришга хизмат қилади. Хусусан, респондентлар турли йўриқномалар ва ҳужжатлар билан танишиб чиқиш ўрнига савол бериш орқали сунъий интелектдан тез ва аниқ жавоб олиши, шу орқали зарур маслаҳатлардан фойдаланиши мумкин бўлади. Модуль ҳисоботларни тўлдириш жараёнида ёрдамчи восита сифатида фаолият юритади.

Ана шундай замонавий электрон хизматлар туфайли тадбиркорлик субъектларининг ҳисобот топшириш жараёналари анча қулай ва самарали ишга айланади. Тақдим этилаётган ҳисоботларнинг аниқлиги ва тўғриллиги даражаси ошади. Келгусида эса ҳисоботларни текшириш қўлланмалари ҳам сунъий интелект имкониятларини жорий этиш режалаштирилмоқда.

Юқорида таъкидланганидек, тадбиркорлик субъектлари томонидан статистик ҳисоботлар белгиланган шакл ва муддатларда тақдим этилиши давлатнинг иқтисодий жараёналарни тўғри бошқариши ва ҳолис баҳолашида муҳим воситадир. Тақдим этилган ҳисоботлар асосида иқтисодиётдаги умумий ҳолат, соҳа ва ҳудудлар кесимидаги ўзгаришлар, товар айланмаси, иш ўринлари динамикаси, инвестиция фаолияти каби кўплаб кўрсаткичлар таҳлил қилинади. Бу, ўз навбатида, тадбиркорлиқни қўллаб-қувватлашга қаратилган янги имтиёзлар, солиқ ва молиявий энгилликлар, инфратузилмавий дастурлар ҳамда бошқа стратегик чора-тадбирларни манзилли ва асосли белгиллаш имконини беради. Жамиятдаги реал иқтисодий муҳит, бизнес фаолиғи ва тадбиркорлик секторидagi тенденциялар ҳақида аниқ ва ишончли тасаввур шаклланади. Бу эса мамлакат иқтисодиётининг барқарор ва изчил ривожланишига хизмат қилади.

Асосийси, ҳисоботларни топширишдаги қулайлик, замонавий ечимлар тадбиркорнинг ҳар дақиқаси қадрли бўлган вақтини тежаб, иш самарадорлигини оширади. Ишбилармонлар энди қоғозбозлик билан шугулланиш ўрнига ўз бизнесини ривожлантиришга кўпроқ эътибор қарата олади.

Ирода ТОШМАТОВА, “Янги Ўзбекистон” мухбири



чигит эккан эдик. Аини пайтда пахта ҳосилга кирди. Хўжалик ижарачи-деҳқонларининг ўзаро аҳиллиғи, агротехник тадбирлар ҳам-жиҳатлиқда амалга оширилиши натижасида гўза баравж ривожланди. Харорат энг юқори бўлган кунлари хўжалик ишчилари дала ишларини эртагабони ва кечки салқинда бажарди. Бу ҳосилни сақлаб қолиш учун жуда муҳим. Агар сув берилмаса, гул тўкилишини бошлайди. Иссиқ вақтда сугорилса, жўякларда сув узок вақт туриб қолади. Оқибатда сув исиб, ҳосилни нобуд қилади. Аини кунларда эса бегона ўтлардан тозаланиб, чила сувиға қондириб сугорилган ва тобиға келган далаларда гўза қатор ораларига ишлов бериш, чилпиш ишлари бажарилмоқда.

Фермер хўжалиғида пахтадан ташқари 10 гектар майдонга бугдой ҳам экиди. Хўжалик галлакорлари жорий деҳқончилик йилида галладан баракали бақси хирмон кўтариб, 62 тоннадан зиёда аъло навли қирмизи дон йиғиштириб олди. Ҳосилнинг муайян қисми ижарачи-деҳқон ва ишчиларга берилади. Хўжалиқда пахта ва галладан ташқари мойли экинлар экишга ҳам алоҳида эътибор қаратилган.

— Аини пайтда 3,5 гектар майдондаги кунжут мўл ҳосилдан дарак берапти. Бундан ташқари, 2 гектарда тарвуз, 1,5 гектарда қовун парвариш қилиняпти, — дейди Омонбой Ражабов. — Ишни “Даладан — дастурхонга” тамойили асосида ташкил қилганмиш. Етиштирилган полиз маҳсулотлари доимгидек харидоргир. Пайкалларда пишиб этилган ҳосилни ички бозорда сотиб, халқимиз дастурхони тўқилишига ҳисса қўшялмиз.

Ерга меҳр берган инсон барака топади. Қорақалпоғистонда меҳнати туфайли халқимиз дастурхонига файз-барака бағишлаётган деҳқонлар талатгина.

Минажон ҚУТЛИМУРАТОВ, “Янги Ўзбекистон” мухбири

ҲАЁТ СИФАТИГА ДАХЛДОР СОҶА

ЁКИ ТИББИЁТДАГИ ЯНГИЛАНИШЛАР ЭПКИНИДАН БАҲРАМАНДЛИК ХУСУСИДА МУЛОҲАЗА

“Мақолада тиббиётнинг айрим йўналишларида бажарилаётган ишлар таҳлиliga назар ташладик. Хайрли ташаббуслар, орзу ва мақсадлар рўёби саҳифага сиғмаслиги мумкин. “Инсон қадри учун” гоёсини ўзида мужассам этган бу ҳаракатлардан мақсад битта — аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, умр аталмиш неъматни узайтириш, одамлар ҳаёт сифатини ошириш. Зеро, соғлом ва баркамол миллат жамиятнинг таянчи, бебаҳо бойлиги.

Рисолат МАДИЕВА,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

Бошланиши 1-бетда

Давлатимиз раҳбарининг соҳага, аҳоли саломатлигига қаратаётган эътибори ҳудудларга ташрифи чоғида, аҳоли билан самимий мулоқот онларида кўп бор кўзга ташланган. Эл розилигига эришиш руҳидаги бу учрашувларда одамлар яхшиликлар, янгиланишлар эпкинни ҳис қилипти. Янги поликлиникалар, шифохоналар, тиббий марказлар қурилмоқда. Тиббиётнинг энг илгор технологиялари жорий қилинаётир.

Сўнгги етти йилда соғлиқни сақлаш соҳасига ажратилаётган маблаг 6 қарра оширилди. Ҳудудлардаги шифохоналар моддий-техник жиҳатдан янгиланди.

Маҳалладаги бирламчи бўғин билан ихтисослашган хизматларни боғлайдиган комплекс тизим яратилди. Илгари фақат пойтахтда бажарилган 400 дан ортқ юқори технологик амалиёт вилоят ва туманларда ўтказилмоқда.

Бугун тиббиётдаги ўзгаришлар, янгиланишлари ҳар бир юрtdошимиз ҳис қилмоқда, ҳар бир хонадонга малакали, сифатли тиббий хизмат кириб боришига ҳаракат қилинапти.

Бирламчи бўғин — энг зарур тизим

Соғлиқни сақлаш соҳасининг “юраги” ҳисобланган бирламчи бўғин аҳоли саломатлигини сақлаш, жамиятда соғлом турмуш тарзини қарор топтиришда беқисс ўринга эга. Аммо яқин-яқингача мазкур бўғинда беморларга тиббий хизмат кўрсатиш сифати паст бўлганини инкор эта олмаймиз. Энг оғриқлиси, юрtdошимиздаги ўлим ҳолатларининг 60 фоизи ана шу бўғиндаги камчиликлар туфайли юз берган.

Айниқса, бирламчи тизимда юрак-қон томир касалликларининг олдини олиш ва эрта аниқлаш борасидаги ишлар тизимли йўлга қўйилмагани, онкологик касалликлар иккинчи ва учинчи босқичга ўтиб бўлгандан кейин аниқлангани, поликлиникалар ўртасидаги масофа узоклиги, малакали шифокорлар етишмаслиги, иктымий ҳимояга муҳтож минглаб инсон давлат шифохоналарида бепул ихтисослашган тиббий хизмат олиш учун йўл-йўл навбат кутуши муаммолардан дарак беради. Ахир дард кутиб турмайди, унга дармон изланмаса, ўз вақтида бартараф этилмаса, оғир оқибатларга олиб келиши мумкин.

Ҳар бир фуқаро бирламчи бўғиндаги тиббий хизмат орқали касаллигини эрта аниқлаб, вақтида даволаниши керак ва бунга ҳақли. Шу боис, касалликлар профилактикаси ва эрта таъхис бўйича такомиллаштирилган дастурлар амалга оширилди, янги турдаги омивий скрининг текширувлари йўлга қўйилди.

Бирламчи бўғинда аҳолига яратилган қулайликлар кўп, келинг, кичик бир мисолга юзланайлик. Гоҳо бирор жойимиз безовта қилса-да, вақт етишмаслиги туфайли шифокор кўригига боришни ортга сураимиз. Базан шифохонага етиб даволанишда молиявий муаммолар кўндаланг туради. Оилавий поликлиникаларнинг ўзида эртадан кеч соат 20:00 гача кундузги стационар жорий этилгани аҳолига бундай шароитларда катта енгиллик берди. Қулай вақтда поликлиникада даво муолажасини олиши, кейин иш ёки ўқишга бориши мумкин. Шифокор ва ҳамшира ҳам соат 20:00 гача қадар, сўнгги беморни қабул қилмагунча иш жойини тарк этмайди. Ахир уларга шифо истаб келаётганлар бегона эмас, шу маҳалларнинг одамлари. Уларнинг дардига дармон бўлмоқ эса оқ қалатли инсонларнинг энг олий бурчи. Қолаверса, бу тизим шифохоналарга тушадиган юкларни камайтирди.

Янгиланишлар давом этмоқда

Жорий йил 7 майда Президентимиз раислигида тиббиётнинг бирламчи бўғини ва



Расо болалар соғлом ондан дунёга келади

Фарзанд умр чироғи, ҳаётимиз мазмуни. Унинг тўрт мучаси соғ, бекаму кўст дунёга келиши оила бахти, жамият бойлиги демек. Соғлом фарзандларни эса соғлом оналар дунёга келтиради.

Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, соғлом миллат генофондини асраш ҳар қандай жамиятнинг устувор вазифаси. Зеро, бутун дунё юзини кўрган соғлом бола эртага шу юртнинг келажаги, равақига ҳисса қўшадиган асл фарзанд бўлиб вояга етади.

Илгари замонавий болалар шифохонаси ёки оналар учун тиббий жиҳозлар йўқлиги, кадрлар етишмаслиги туфайли гўдаклар ўлими кўрсаткичи юқори бўлганини инкор эта олмаймиз. Айниқса, муддатидан эрта туғилган чақалоқларнинг ҳаёти хавф остида қоларди. Бугун уларнинг ҳисаб кетиши учун бор имконият ишга солинмоқда. Натижада 80 фоиз шундай болаларнинг ҳаёти сақлаб қолинапти.

Перинатал марказлар, акушерлик, гинекология муассасаларига замонавий жиҳозлар олиб келинмоқда. Халқаро андозаларга мос клиникалар ишга тушириляпти. Малакали кадрлар шаклланишига эътибор қаратилмоқда.

Давлат эътибори устувор

Ижтимоий ва иқтисодий ҳаётни яхшиламасдан турар, аҳолининг саломатлиги ҳақида қайғуриш самарасиз. Шу ўринда аҳолининг ишсиз ёки жуда кам маош учун ишлайдиган, иктымий ҳимояга муҳтож қатлами бирор касалликка чалингандан қандай даволанади деган ҳақли савол туғилиши мумкин. Дейлик, юқори технологияга асосланган жарроҳлик амалиётини ўтказиш зарурати туғилса ёки юрак нуқсонини, мураккаб трансплантация амалиётига эҳтиёж пайдо бўлса, кам таъминланган аҳоли қатлами бунга сарфланадиган маблағни қаердан топади?

Бугун ривожланган давлатларда мажбурий тиббий сўғурта тизими амал қилади. Бу орқали бюджет харажатини камайтириш, тиббий сифатини оширишга эришилган. Юрtdошимизда ҳам бу бўйича дастлабки савий-ҳаракатлар 2021 йилда Сирдарё вилоятида пилот лойиҳа сифатида бошланди. Бирламчи бўғинда оилавий шифокор ва уни-



версал ҳамшира ўз ҳудудига бириктирилган аҳолини қамраб олди, дастлабки текширувлар туфайли аҳолининг муайян қисми амбулатор, яна бир қисми эса стационар даволанишга йўналтирилди. Натижада узундан узоқ навбат қамрайди.

Бу тизим босқичма-босқич жорий этилаётганига қарамай, ўзи давлат тиббий сўғуртаси нима деган саволга тез-тез дуч келимиз.



Соғлигингизда муаммо кузатилганда давлат молиявий қафолат беради. Тизим орқали фуқароларнинг тиббий хизматлар учун “ўз чўнтагидан” тўлайдиган маблағлари қисқаради ҳамда улар исталган тиббиёт муассасасида сифатли хизмат олиш имконига эга бўлади. Давлат тиббий сўғуртаси фуқаронинг соғлиғи ёмонлашган тақдирда катта харажатларни олдиндан қафолатлаш имконини беради. Бу нафақат аҳоли, балки бутун тиббиёт тизими учун ҳам самарадорлиқни оширувчи воситага айланади.

Барча учун тенг тиббий хизмат, тиббий хизмат нарҳларининг шаффоф ва мақбул бўлиши, бирламчи тиббий ёрдам қўламини кенгайтириш, даволал муассасаларини натижага қараб молиялаштириш, тиббий муассасалар ўртасида соғлом рақобат муҳитини шакллантириш тизимнинг асосий афзалликларидандир.

Мамалятимизда аҳолига сифатли, барча учун баробар тиббий хизмат кўрсатиш мақсадида давлат тиббий сўғуртаси тизими босқичма-босқич жорий этилмоқда. Бу механизм орқали аҳолининг ижтимоий ҳимояси ва тиббий хизматларнинг сифатли ва тенг тақсимланиши таъминланмоқда.

Айниқса, энг кўп тарқалган ва узоқ муддатли муолажани талаб қилувчи сурункали касалликлар — гипертония, юрак ишемик касаллиги, 2-тур қандли диабет, бронхит астма ва сурункали обструктив ўпка касаллиги бўйича беморларга зарур дори-дармон давлат томонидан бепул берилди.

Бу механизм реимбурсация деб номланади. Шу услуб орқали 2021-2025 йиллар мобайнида 83 минг беморга 212 минг электрон рецепт орқали хизмат кўрсатилди, 816 та дориҳона реимбурсация тизимида жалб этилди. Жами 4,79 триллион сўмлик дори-дармон давлат томонидан қўллаб берилди.

жами 2 триллион 120,5 миллиард сўм йўналтирилди.

Бу тиббий хизматларга юрак ва миё қон томири операциялари, буйрак ва жигар трансплантацияси, сунъий бўғимлар ўрнатиш, эндопротезлаш каби мураккаб жарроҳлик амалиётлари қиради.

Ўтган йиллар мобайнида электрон йўланма ва рецептлар инсон омилини камайтиришга эришилди. “Medrefer” тизими орқали тўловлар ва ҳисоботлар шаффофлашди. Давлат харажатлари самарали ва мақсадли йўналтирилмоқда. Аҳолига тезкор, текин ва қулай тиббий ёрдам кўрсатилмоқда.

аҳолининг вақтини ва нақдини тежашига шубҳа йўқ. Ўз навбатида, шифокор қабулига кириш учун узундан узоқ навбатлар, сансозларлик ва сарсонгарчиликнинг барҳам топиши одамларимиз тизимдаги ислохотлардан кутаётган натижа.

Электрон тизимда бемор уйдан туриб шифокор қабулига онлайн ёзилиши, қабул вақтини олдиндан белгилаши мумкин. Рақамлаштириш бемор ўз соғлиғини мобил иловалар ва электрон қурилмалар орқали кузатиши ва шифокор билан алоқада бўлиши, тиббий хизматларни самарали ташкил этишга ёрдам беради.

Яна бир муҳим бўғин

— Алло, бу тез ёрдамми?

Бу ҳолат кўпчилигимизга таниш. Иссиқ жоннинг иситмаси бор деганларидек, ҳар биримиз тез ёрдамга мурожаат қилиб тураимиз. Шунда тиббий хизмат ўз вақтида кўрсатиласу, ҳўп-ҳўп, аммо кечикса, инсон ҳаёти хавф остида қолиши ҳеч гап эмас. Қолатлар турлича бўлиши мумкин, талаб эса битта — тиббий ёрдам тез ва сифатли кўрсатилиши шарт! Одамларнинг ҳаётини сақлаб қолиш ва соғлиғини яхшилашда муҳим аҳамият касб этаётган бу йўналиш ҳам янгиланишга муҳтож эди.

Давлатимиз раҳбарининг 2022 йил 16 июндаги “Аҳолига тез тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги қарори билан Республика тез тиббий ёрдам маркази ташкил этилиб, унинг ягона вертикал бошқарув тизими йўлга қўйилди. Соҳанинг моддий-техник базаси мустаҳкамланди, зарур ускуналар билан таъминланди. Тез ёрдамда битта қаҳирққа дори-дармон учун ажратилаётган маблаг микдори сезиларли даражада ортди. Тез тиббий ёрдам бригадалари сони ошди. Тизимга тегишли 70 га яқин бино ва иншоот қурилди ёки таъмирланди.

Соҳада автоматлаштирилган бошқарув тизими жорий этилиши натижасида қаҳирққларга етиб бориш вақти кескин қисқарди. Бундан ташқари, Тошкент шаҳри тажрибаси асосида марказнинг ҳудудий филиалларида ягона Call-марказлар фаолияти йўлга қўйилди.

Автоматлаштирилган тизимга ўтишдан олдин қаҳирққни қайд этишнинг ўзига 8-10 дақиқа кетарди. Ҳозир сонияларда, узоғи билан 1-2 дақиқада мурожаат қабул қилиниб, тез тиббий ёрдам бригадаси планшетида қаҳирққ манзили юборилляпти. Тизимда эскирган автотранспорт воситалари янгилангани етиб бориш вақтини камайтирди.

Келгусида сунъий интеллект технологияларидан самарали фойдаланиш, оилавий шифокорлик ва тез тиббий ёрдам тизимини ўзаро боғлаш, рақамлаштириш жараёнини янада чуқурлаштириш, автоматизтрал йўлларда 103 пунктларини ташкил этиш, тизимдаги мавжуд автомашиналарни ихчам реанимацион жиҳозлар билан таъминлаш режалаштирилган.

Мақолада тиббиётнинг айрим йўналишларида бажарилаётган ишлар таҳлиliga назар ташладик. Хайрли ташаббуслар, орзу ва мақсадлар рўёби саҳифага сиғмаслиги мумкин. “Инсон қадри учун” гоёсини ўзида мужассам этган бу ҳаракатлардан мақсад битта — аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, умр аталмиш неъматни узайтириш, одамлар ҳаёт сифатини ошириш. Зеро, соғлом ва баркамол миллат жамиятнинг таянчи, бебаҳо бойлиги. Улар билан кўзланган маррага бориш, юртни юксалтириш мумкин.

Эски луғатларда кўрсатилишича қаҳрамон арабча қаҳр сўзига нисбат кўшимчаси — мон — бириктириб ясалган. Бу кўшимча, дарҳақиқат, шодмон, билармон, топармон сўзларида шодлик, билимдонлик, топагонлик нисбат берилган кишиларни англатади. Ўйласам, тегирмон ҳам шу кўшимча билан ясалган экан. Тегирмон тоши айлана шаклида бўлади. Айлана маъносини билдирувчи тегра сўзимиз бор. Бу сўзнинг сўнгги товуши сўзлашув жараёнида қисқариб, мон қўшилса тегирмон — тегирмон чиқади. Бу бизнинг талқин. Фараз айтиш биздан, текшириб аниқлаш олимлардан.



Қадимги луғатларни varaqlab кўрсангиз, уларда ҳам турлича талқинларни топасиз. Биз уларнинг барчасини мўътабар манба деб ҳисоблаймиз-у, баъзан қай бирига ишонишни билмай қоламиз. Қаҳрамон сўзининг аслияти тўғрисида ҳам турлича фикр бор. Баъзи тадқиқотчилар бу сўзни туркий дейдилар ва асл шаклини қаҳармон дея кўрсатадилар. Маъноси корформо, иш буюрувчи, ҳоким демакдир. Бу талқин менга мақбулроқ. Қаҳрамоннинг арабча ўзақдан олингани, қаҳр эгаси бўлишига ишонгим келмайди. Бу ишбоши маъносидagi ўзимизнинг қадимги ўзбек сўзи бўлақолсин.

Пахлавон-чи? Бу сўз қаерда қандай турғилар? Қадимда Шом ва Эрон ерларида, ҳозирги Ўзбекистонда Пахлавон дея номланган шаҳар бўлган. Шуҳрати оламга кетган, одамлари мард, баҳодир бўлган экан. Уларни пахлавлар деган маънода пахлавон дер эканлар. Шаҳар тили, яъни маданий форс тили


пахлавий дейилиши ҳам ана шу шаҳар номи билан боғлиқ экан.

Баҳодир — мен айтмасам ҳам биласиз, — ўзбекча сўз. Луғатларда исм Баҳодур шаклида ёзилган ва шижоатли деган маънони билдирувчи туркий калом дейилган. Баҳодир исми ўзимизда кенг тарқалган. Рус тилига ҳам богатырь шаклида ўтган. Қизиги шуки, бу туркий ўзбекча исм дунёга ёйилибди, айниқса, шарқда Баҳодир исмли кишилар кўп. Ҳиндистоннинг бош вазири бўлган Лалл Баҳодур Шастрини олам танийди. Айниқса, ўзбеклар ҳурмат билан ёдга оладилар. Тарихий миссия билан Тошкентга келиб, шу ерда вафот этган. Шаҳримиз марказида унга хотира лавҳ ўрнатилган. Бош вазининг Баҳодур исми Ҳиндистоннинг биринчи бош вазири бўлган Жаҳоҳарлаъл Нерунинг сўзларини тасдиқлайди: туркий халқлар Ҳиндистонга тўрт минг йил муқаддам кўчиб кела бошлаганлар...

“

ҚАДИМГИ ЛУҒАТЛАРНИ ВАРАҚЛАБ КЎРСАНГИЗ, УЛАРДА ҲАМ ТУРЛИЧА ТАЛҚИНЛАРНИ ТОПАСИЗ. БИЗ УЛАРНИНГ БАРЧАСИНИ МЎЪТАБАР МАНБА ДЕБ ҲИСОБЛАЙМИЗ-У, БАЪЗАН ҚАЙ БИРИГА ИШОНИШНИ БИЛМАЙ ҚОЛАМИЗ. ҚАҲРАМОН СЎЗИНИНГ АСЛИЯТИ ТЎҒРИСИДА ҲАМ ТУРЛИЧА ФИКР БОР. БАЪЗИ ТАДҚИҚОТЧИЛАР БУ СЎЗНИ ТУРКИЙ ДЕЙДИЛАР ВА АСЛ ШАКЛИНИ ҚАҲАРМОН ДЕЯ КЎРСАТАДИЛАР.





Ариқ деб сув ўзинини айтаман. Озгин маъносидagi **ориқ** сўзининг фарғонача айтилиши ҳам **ариқ**. Аслида ариқ тоза демакдир. Сочик билан қўл артсак, биз қўлимизни сув наmidан аритамиз, ариқ қиламиз, тозалаймиз. Уйимиздан одам аринмаса, демак, хонадонимиз ҳаминша гавжум, меҳмондан холи эмас. **Ариқ, аритиш, артиш** бир ўзақдан экани маълум. Лекин тоза маъносидagi сўз қандай қилиб сув ўзанига айланди? Бунга тасаввур қилиш учун бизлар болалигимизда кўрган ариқларни кўз олдимизга келтиришимиз керак. Тандиндан янги узилган, қўлни куйдирадиган нонни ариқ сувида оқизоқ қилиб egанимизни, қирғоқда ўтириб ҳовучлаб зилол сувдан ичгани-

мизни esламоғимиз керак. Ана ўша ариқлар ҳақиқатан ариқ эди. Сувга супринди ташлаш, тупуриш огир гуноҳ саналарди.

Ариқ аввал бошда ариқ сув — тоза сув атилиб, кейинча қисқаришга юз тутган бўлиши керак. Бамисоли зимистон қоронгиси ихчамлашиб зимистонга айлангандек. Озгин одамни ҳам ориқ ёки ариқ дейилиши бесабаб эмас. Ориқча юкдан тоза бадан **ариқ** бўлади. Сўфи Оллоёнинг байтига қулоқ тутинг:

*Ариқ жисмим азар бўлсин десанг сог,
Саноч озгин сан оч албатта камрог.*

Эркин ВОҲИДОВ,
Ўзбекистон халқ шоири

МЕЗОН

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Қадрият

ТАРИХ, САНЪАТ ВА МАДАНИЯТ ТИМСОЛИ

Миллий кийимларимизга ҳурмат бурчга айланмоғи лозим

Ижтимоий тармоқларга кўп кирмасикка қанча ҳаракат қилмай, телеграмдаги “Кариндошлар”, “Синфдошлар”, “Курсдошлар”, “Эски ишхона” ва шу каби гуруҳлардан келган турли хабарларга қизиқиб, баъзан сандироқлаб кетганимни билмай қоламиз. Турли манбалардан олинган тасвирли лавҳалар, постлар, иқтибослар, “Фейсбук” ва “Инстаграм”даги чиқишларга берилган ҳаволалар ўзига охланрабодек тортиб олади. Улар орасида эса “мазалиси”дан бемазаси кўп.

Яқинда ана шундай “сайру саёҳат” давомда қандайдир модалар намоишидан кесиб олинган бир лавҳага кўзим тушди. Тепа сочимни тикка қилган бу манзарани кўрмаганим яхши эди. Агар ички маданиятим монелик қилмаганида, агар қо